

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



ALEKSANDR POPOV
(1859-1906)

2022
IYUL
№42



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
9-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-9**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-9**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 42-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 июль 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 34 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1. Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ.....	7
2. N.K.Baxodirov TO‘QIMACHILIK SANOATI KORXONALARINING ISHLAB CHIQARISH FAOLIYATI SAMARADORLIGIGA TA’SIR QILUVCHI BA’ZI OMILLAR	10
3. Неъматов Ойбек Исматуллаевич НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	12
4. Неъматов Ойбек Исматуллаевич НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ГРАНТЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	15
5. Phomjonov Ibrohim Phomjon o’g’li SINGAPUR IQTISODIY RIVOJLANISHIDA DAVLAT INSTITUTLARINING ROLI.....	18
6. Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ТЎЛОВЧИЛАР СОЛИҚҚА ТОРТИШ ОБЪЕКТИ,СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ВА ЯНГИ НАМУНАДАГИ АКЦИЗ МАРКАЛАРИ	20
7. М.Ш.Сулаймонова СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ДАВРИДА БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ.....	23
8. Хамраев Сухроб Ахмеджанович ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭНЕРГЕТИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	25
9. Фарходжонова Ёзоза Нодир қизи, Ортиқов Ният Неъматилла ўғли ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКАЯ АКТИВНОСТЬ И ФАКТОРЫ ЕЕ РАЗВИТИЯ.....	27
10. Фарходжонова Ёзоза Нодир қизи, Ортиқов Ният Неъматилла ўғли ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОТИВАЦИЯ ОМИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	29
11. Валиев Шамсиддин Эшпулатович ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	31



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна

ТДИУ таянч докторанти

Телефон: +998902467655

E-mail: shaxnozaabdulhaeva061@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган анча самарадор технологиялар, шу жумладан, электрон тижорат ва электрон бизнес ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Муаллифнинг ушбу илмий тадқиқотида солиқ тизимини такомиллаштиришга, ҳамда рақамли иқтисодиёт шароитида яширин айланмаларни қисқартириш ва иқтисодиётни янада ўстиришга қаратилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Солиқ назорати, солиқ тизими, солиқлар, солиқ карзи, давлат бюджети, рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, фойда.

Замонавий шароитда рақамли технологиялардан фойдаланмасдан давлат ва жамиятнинг ишлаши ва ривожланишини тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу билан бирга, янги рақамли технологияларни ривожлантириш ҳуқуқий тартибга солишни батафсил таҳлил қилиш ва такомиллаштиришни талаб қилади. Ҳозирги вақтда глобал миқёсда солиқ сиёсатининг энг кўзга кўринган масалаларидан бири - рақамли иқтисодиётни солиққа тортиш режимини танлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг рақамли фаолиятдан олинган даромадларини тақсимлаш жараёнининг автоматлаштирилган тизимини яратиш ҳисобланади. Халқаро тажрибада натижага асосланган солиқ ислохотлари фан, технология ва инновацион сиёсатнинг узвийлигидан далолат беради. Бу жиҳат ўз-ўзидан миллий ва халқаро даражада натижага асосланган комплекс тадқиқотлар олиб бориш орқали солиқларнинг, шунингдек давлат бюджети даромадларининг шакллантирида юқори салмоққа эга бўлган эгри солиқларни ундиришни такомиллаштириш мақсадида рақамлаштиришни амалда тадқиқ этишни шарт қилиб қўймоқда.

Худди шунинг учун ҳам, давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699 сонли “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарорда электрон ҳукуматни ривожлантиришда ягона технологик ёндашувни таъминлаш, давлат органлари ва ташкилотларида рақамли ривожланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомининг ягона идоралараро электрон тизимини жорий этиш, электрон ҳукумат соҳасидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш босқичларини мувофиқлаштириш назарда тутилган.

Рақамли иқтисодиёт - бу хўжалик фаолиятини юритиш бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги асосий омил рақамлар кўринишидаги маълумотлар бўлиб, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва шу қайта ишлаш натижасини анализ қилиш ёрдамида ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологиялар, қурилмалар, сақлаш, махсулотларни етказиб беришда олдинги тизимдан самаралироқ ечимлар тадбиқ қилишдир. Бошқача

қилиб айтганча, рақамли иқтисодиёт бу онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон тўловлар амалга ошириш, интернет савдо ва бошқа турдаги соҳаларни рақамли компютер технологияларини ривожланиши билан боғланган фаолиятдир.

Рақамли иқтисодиёт жуда кўп афзалликларга эга. Бу тўловларнинг нархини пасайтиради ва янги даромад манбаларини очади. Онлайн хизмат кўрсатиш харажатлари анъанавий иқтисодиётга қараганда анча паст ва хизматларнинг ўзлари ҳам ижтимоий ҳам тижорат



жиҳатидан анча арзонроқдир. Таклиф этилаётган маҳсулот истеъмолчининг янги истаклари ёки эҳтиёжларини қондириш учун дарҳол ўзгартирилиши мумкин. Рақамли иқтисод ҳар хил ахборот, таълим, илмий соҳадаги янгиликларни тез, сифатли ва қулай тарзда тақдим этади. Ҳозирга вақтга келиб деярли барча давлатлар солиқ тизимида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиб келмоқда. Хусусан, барча тоифадаги солиқ тўловчилар учун солиқлар ҳисобини тўғри юритиш мақсадида махсус мобил иловалар, онлайн назорат-касса машиналари, электрон ҳисобварақ-фактуралар тизими жорий этилди. Солиқ тизимида бу каби рақамли технологияларни жорий этилиши аввало солиқларни тўғри ҳисоб-китоб қилишга, прогнозлаштиришга шунингдек, уларни давлат бюджетига йиғилувчанлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Солиққа тортишни рақамлаштириш кенг имкониятларни очиб беради, шу билан бирга тактик ва стратегик жиҳатдан етарлича хавф ва харажатларни келтириб чиқаради. 1-жадвалда рақамли иқтисодиётда солиққа тортишнинг асосий муаммолари ва муаммоларни ечиш йўллари сарҳисоб қилинди

1-жадвал.

Солиқларни рақамлаштиришдаги асосий муаммолар

Муаммо	Муаммо таснифи	Муаммони ечиш йўллари
Рақамли узилиш	Энг кенг тарқалган муаммо солиқ билан ўзаро муносабатлар барқарор бўлмаганда ахборот-коммуникатсия каналларига кириш (масалан, Интернетнинг йўқлиги Ўзбекистоннинг чекка аҳоли пунктлари).	Янги ҳисобот шаклига риоя этишда масъулиятни ошириш; ташкилот узок ҳудудларда интернетга уланиш нуқталарини ташкиллаштириш.
Харажат ва мураккаблик	Янги дастурий таъминотни жорий этиш солиқ органлари учун ҳам, солиқ тўловчилар учун ҳамқимматга тушади. Янги дастурларни тушунадиган мутахассислар чекланганлиги.	Солиқ органларининг харажатлари солиқ йиғимини кўпайтиришдан, солиқ тўловчиларнинг харажатларини эса жарималардан қочиш орқали қоплаш; ходимлар учун ўқув семинарлари ташкиллаштириш.
Хавфсизлик ва махфийлик	Керакли дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва техник хизмат кўрсатиш учун йирик инвестициялар ва ихтисослашган ходимларнинг этишмаслиги; Инсон омили мавжуд. Кўплаб суистеъмолликлар учун электрон алоқалар очиқ	Маълумотлар бошқарувчилари фаолияти юзасидан назорат олиб бориш; фойдаланувчи маълумотларини ҳимоя тизимини такомиллаштириш
Маълумотларга ўтиш	Олдинги давр ҳисобот маълумотлари янги форматга мослаштирилмаган	Энг муҳим ҳужжатларни янги форматга ўтказиш
Қонунчиликдаги номувофиқликлар	Мавжуд норматив қонуний база жорий бўлмаган даврда яратилган солиққа тортиш ва ишларнинг ҳолатини ҳисобга олмайди	Амалдаги қонун ҳужжатларини тузатиш, янгиларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш

Рақамли иқтисодиётда солиқ тизими олдида турган муаммолар қаторида солиқ тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ солиқ хатарларининг ўсишини қайд этиш лозим. Ушбу муаммо замонавий бизнес моделларининг кенг тарқалиши, бизнесни рўйхатдан ўтказмасдан ва мамлакатда мавжуд бўлиши билан боғлиқ ҳолда долзарб бўлиб қолмоқда. Рақамли иқтисодиёт интернет-бизнеснинг кенгайиши, фаолияти қўшимча қиймат ва фойда яратиш билан амалга ошириладиган ахборот-молия марказларининг ташкил этилиши билан тавсифланади.



Юқорида келтириб ўтилган мисол ва таҳлиллар натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, рақамли иқтисодиётнинг мамлакатлар солиқ тизимига ижобий таъсир этишида қуйидагиларни амалга ошириш муҳим саналади:

- электрон ҳисобварақ-фактуралар тизимини жорий этиш ва олинган натижаларга оид кўрсаткичларни доимий таҳлил қилиб бориш;
- онлайн назорат касса-машиналари, виртуал кассалар ҳамда электрон ҳисобварақ-фактура маълумотларини қайта ишлаш жараёнини автоматлаштириш;
- рақамлаштириш ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлаш устидан назоратни кучайтиришг, кейинчалик эса бу жараёни тўлиқ автоматлаштиришга ёрдам беради;
- рақамлаштириш туфайли солиқ органлари фаолияти автоматлаштирилади, бу узлуксиз (оммавий) солиқ тизимини такомиллаштириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарори
2. Голик Е. Н. Цифровизация администрирования НДС в системе обеспечения экономической безопасности doi: 10.22394/2079-1690-2021-1-2-103-109
3. Paying Taxes 2019. A unique report by PwC and the World Bank Group. <http://www.pwc.com/gx/en/payingtaxes/pdf/pwc-paying-taxes-2019.pdf>
4. <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>
5. <https://review.uz/oz/post/>



TO‘QIMACHILIK SANOATI KORXONALARINING ISHLAB CHIQUARISH FAOLIYATI SAMARADORLIGIGA TA’SIR QILUVCHI BA’ZI OMILLAR

N.K.Baxodirov

Farg‘ona politexnika instituti, mustaqil izlanuvchi

Annotatsiya: Ushbu maqolada to‘qimachilik sanoati korxonalarining samaradorligini oshirish va samaradorligini oshirishga ta’sir etuvchi ba’zi omillar haqida fikr yuritilgan.

Abstract: This article discusses some factors that affect the efficiency and effectiveness of textile industry enterprises.

Kalit so‘zlar: to‘qimachilik sanoati, xom-ashyo, bozor iqtisodiyoti, zamonaviy texnologiya, ta’sir etuvchi omillar, tabiiy resurs.

Key words: textile industry, raw materials, market economy, modern technology, influencing factors, natural resource.

Hozirgi kunda mamlakatimizda to‘qimachilik sanoati iqtisodiyotni ajralmas qismiga aylanib ulgurdi. Shuni inobatga olib mamlakatimizda to‘qimachilik sanoatini rivojlantirish, tashqi bozorlarda talab yuqori bo‘lgan raqobatbardosh mahsulotlarni ishlab chiqarish, mahsulot hajmini o‘rttirish shuningdek sifatli paxta xom ashyosini yetishtirish va qayta ishlash samaradorligini oshirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Chunki, mamlakat iqtisodiyotini barqaror rivojlantirish, ishlab chiqarishda zamonaviy texnologiyalardan hamda resurslardan unumli foydalanish va ishlab chiqarish jarayonini bozor iqtisodiyotiga mos ravishda tashkil etish mamlakatimiz iqtisodiyotini asosiy maqsadlaridan biri hisoblanadi. Boshqa sohalar singari to‘qimachilik sanoatida ham yangicha va zamonaviy yondashuvlardan foydalanmasdan va ishlab chiqarishga ta’sir etuvchi omillarni inobatga olmasdan turib to‘qimachilik sanoatini rivojlantirishni va raqobatbardosh mahsulotlarni ishlab chiqarishni tasavvur qilish qiyin.

To‘qimachilik sanoatining paydo bo‘lish tarixi va hozirgi kungacha bo‘lgan rivojlanish jarayoniga nazar solinadigan bo‘lsa ushbu jarayon fan va texnikaning rivojlanishiga va bir qancha omillarga bevosita bog‘liqligini ko‘rish mumkin. To‘qimachilik sanoatini rivojlantirish va ishlab chiqarish jarayonida yuqori samaradorlikka erishishda ko‘plab omillarni inobatga olish zarur. To‘qimachilik sanoatini rivojlantirish va ishlab chiqarish jarayonida yuqori samaradorlikka erishishda ushbu sohani hukumat tomonidan har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, ishlab chiqarish jarayoniga zamonaviy texnologiyalarni jalb qilish, malakali ishchi kuchining mavjudligi, tabiiy resurslarning yetarliligi, mahsulotga bo‘lgan talab, xom-ashyo ba’zasini mavjudligi, uzluksiz elektr energiya bilan ta’minlanganligini muhim omillar sifatida ko‘rish mumkin. Ushbu omillar to‘qimachilik sanoatini rivojlanishida bir biriga uzviy bog‘liqdir.

Hukumat tomonidan to‘qimachilik sanoati mahsulotlarini ishlab chiqaruvchilarni har tomonlama iqtisodiy va huquqiy tomondan qo‘llab quvvatlash hamda ularga belgilangan tartibda imtiyozlar joriy qilish ushbu sohani rivojlanishiga va ishlab chiqarish korxonalarining sonini o‘rtishiga bu esa aholini ish bilan ta’minlanishiga sabab bo‘lmoqda. Ishlab chiqarishda zamonaviy, energiya tejankor texnologiyalardan foydalanish orqali raqobatbardosh, sifatli va zamon talabiga javob bera oladigan mahsulotlarni ishlab chiqarish hamda mahsulot ishlab chiqarishni samaradorligini oshirishga sabab bo‘ladi. Boshqa sohalar singari to‘qimachilik sanoati mahsulotlarini ishlab chiqarishda va samaradorligini oshirishda ishchi kuchining malakasi, ishlab chiqarish jarayoniga bo‘lgan munosabati, zamonaviy texnologiyalar bilan ishlash tajribasi ularga yaratilgan mehnat sharoitlari muhim ahamiyatga ega. Aholi sonining yildan-yilga o‘rtib borishi to‘qimachilik sanoati mahsulotlariga bo‘lgan talabni o‘rtishiga olib kelmoqda bu esa o‘z navbatida ishlab chiqarish korxonalarining sonini o‘rtishiga sabab bo‘ladi. Sanoat korxonalarining sonini o‘rtishi natijasida elektr-energiyaga bo‘lgan talabni o‘rtishi yuzaga keladi. Sanoatni rivojlanishi esa bevosita elektr-energiyaga bog‘liqligini inobatga olsak yaqin kelajakda sanoatda elektr-energiya yetishmovchiligini taxmin qilish mumkin. Bu esa ishlab chiqarish jarayoniga va samaradorligiga salbiy ta’sir qiladi. Buni oldini olish maqsadida energiya tejankor zamonaviy texnologiyalarni yaratish va muqobil energiyadan foydalanish yo‘llarini takomillashtirish zarur. Yuqoridagilar kabi bir qancha ishlab chiqarish samaradorligiga ta’sir etuvchi omillarni keltirish mumkin. To‘qimachilik sanoatida ishlab chiqarishga ta’sir etuvchi omillarning inobatga olish orqali ishlab chiqarish samaradorligini oshirish yoki aksincha ushbu omillar ta’sirida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan salbiy holatlarni



oldini olish mumkin. Bu esa mamlakat iqtisodiyotini turg'un rivojlanishiga, ishlab chiqarish jarayonida yuzga kelishi mumkin bo'lgan ijobiy va salbiy holatlarni to'g'ri baholashga sabab bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yengil sanoatni yanada rivojlantirish va tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishni rag'batlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-4453-sonli qarori, 2019 yil 16 sentyabr. <https://lex.uz/docs/4516526>
2. Баходиров Н.К. “Тўқимачилик саноати корхоналарининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари” Хоразм Ма’мун ахборотномаси. 4/2022 йил.



НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Неъматов Ойбек Исматуллаевич

Самарқанд иқтисодий ва сервис
институтини катта ўқитувчиси, PhD.

Аннотация: ушбу мақолада нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ)ларининг фаолият турлари, фаолият турлари бўйича молиялаштириш манбаларининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида тавсифи масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилот, асосий фаолият (нотижорат) ва асосий бўлмаган (тижорат) фаолият, устав фонди, кириш ва аъзолик бадаллари, хайр-эҳсонлар, ёрдам пуллари, донорлик маблағлари, мақсадли бадаллар, тадбиркорлик фаолиятидан олинган маблағлар.

Мамлакатимизда бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ)нинг асосий фаолияти мамлакат ҳаёти учун ўта зарур бўлган масалаларни ҳал қилишга қаратилган. ННТлар бюджетга боғлиқ бўлмаган ҳолда ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, жумладан соғлиқни сақлашни қўллаб қувватлаш, таълим, маданият, фан, санъатни ривожлантириш, диний бағрикенгликни тарғиб қилиш, профессияларни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, жамият учун ўта фойдали бошқа мақсадли йўналишларни амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларида бир қанча хусусиятларга эга бўлиб, уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсади аниқ қўйилган бўлади. Мақсадга эришиш учун ташкилот олдида устав вазифалари белгиланади. Ташкилот ушбу мақсад ва уни амалга ошириш учун вазифаларни бажариш мақсадида бирлашади ва фаолиятини амалга оширади. ННТлар тўлақонли устав фаолиятларини амалга оширишлари учун зарур иқтисодий ресурсларга эга бўлишлари учун устав фондини шакллантиришлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Устав фондига таъсисчиларнинг шу мақсад учун йўналтирилган бадаллари, кириш бадаллари, қўшимча бадаллари ҳисобидан шакллантирилади [3].

Иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари барча мол-мулки, келиб тушган барча маблағлари, жумладан таъсисчиларнинг кириш ва аъзолик бадаллари, хайр-эҳсонлар, ёрдам пуллари, донорлик маблағлари, мақсадли бадаллар, тадбиркорлик фаолиятидан олинган маблағлар фақат устав вазифаларини ҳамда маблағ қайси мақсадда келиб тушган бўлса, шу мақсадда фойдаланиши қатъий белгиланган. Шу боис, мақсадли келиб тушган маблағларни бошқа мақсадларда фойдаланиш қатъиян таъқиқланади [4].

Учинчидан, грантлар, давлат субсидиялари ҳам ННТлар фаолиятини молиялаштиришда асосий манбалардан ҳисобланади. Грантлар ва давлат субсидиялари бўйича олинган маблағлар қайси мақсадда олинган бўлса, шу мақсадда тасдиқланган бюджетлар асосида сарфланади [5].

Тўртинчидан, ННТларнинг таъсисчилари, аъзолари ташкилотнинг мол-мулкига нисбатан мулк ҳуқуқига эга эмас. ННТнинг мол-мулки таъсисчилар ўртасида тақсимланмайди. Таъсисчилар томонидан устав фондига киритилган маблағлари ҳамда мақсадли бадаллари қайтарилмайди. Тижорат фаолиятидан олинган фойда таъсисчилар ҳамда аъзолари ўртасида тақсимланмайди, яъни устав вазифаларини амалга оширишига йўналтирилади. Агарда, нотижорат ташкилоти умумий йиғилишнинг қарори билан тугатиладиган бўлса, у ҳолда унинг мол-мулкни тугатишдан тушган маблағлар ташкилотнинг устав вазифаларини бажаришга йўналтирилади [4].

Бешинчидан, ННТлар аъзолари ва таъсисчилари ижтимоий ҳамда иқтисодий наф олади. Ижтимоий нафлар - аъзоларининг ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, соғлиғининг ҳимоя қилиниши, таълим, фан, маданият соҳаларида кўмаклар олиш, имтиёزلарга эга бўлиши каби кўринишларда амалга ошади. Иқтисодий нафлар - грантлар ва субсидиялар доирасида бизнесни ривожлантириш, камбағалликни бартараф этиш, ижтимоий касалликларни даволаш, таълим дастурлари доирасида контракт тўловларини амалга ошириш ва бошқа



кўринишларида бўлиши мумкин.

ННТларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ушбу хусусиятларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, ННТларда молиялаштириш манбаларини шакллантиришни қуйидаги турларга ажратиш мумкин (1-жадвал):


1-жадвал

Нодавлат нотижорат ташкилотлари молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари¹

Устав фондини шакллантириш учун маблағлар (таъсисчилар ва ташкилот аъзоларининг кириш бадаллари ва қўшимча бадаллар асосида шаклланади) – доимий ва вақтинчалик доимий фондлар	Асосий воситалар, жумладан ер, бино, машина ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, компьютер воситалари, мебель ва жиҳозлар; номоддий активлар, номоддий активлар, инвестициялар, капитал инвестицияларга йўналтирилади
Устав фаолиятидаги вазифаларни амалга ошириш учун йўналтирилган маблағлар – мунтазам белгиланган аъзолик бадаллари, мақсадли бадаллар, эҳсонлар, ёрдамлар, меҳр-мурувват маблағлари, донорлик маблағлари ва бошқа маблағлар	Уставдан келиб чиқиб, бюджет асосида: лойиҳаларни амалга ошириш харажатлари; кўзда тутилган ишларни бажариш харажатлари; дастурларни бажариш харажатлари; тадбирларни амалга ошириш харажатлари; маърузалар, суҳбатлар, дарслар, конференцияларни ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари; устама харажатлар, маъмурий-бошқарув харажатлари ва бошқа харажатларни қоплашга йўналтирилади
Мақсадли вазифаларни амалга ошириш учун молиялаштириш – грантлар, давлат субсидиялари бўйича ёрдамлар ва бошқа мақсадли тушумлар	Грант харажатлари; давлат субсидияларидан кўрсатилган мақсаддаги харажатлар; бошқа мақсадли харажатларни қоплашга йўналтирилади
Тижорат фаолиятидан олинган даромадлар – ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) сотишдан олинган тушумлар	Тижорат фаолиятидаги ишлаб чиқариш, давр харажатлари, бошқа харажатларни қоплашга йўналтирилади
Тижорат фаолиятидан олинган соф фойда – даромадларидан харажатларни чегирилгандан кейинги ташкилот ихтиёрида қоладиган сумма	ННТларнинг хусусий маблағлари манбасини шакллантиришга йўналтирилади – фойда таъсисчиларга тақсимланмайди, устав вазифаларини шакллантиришга йўналтирилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларида тижорат бўлмаган (нотижорат) ҳамда тижорат фаолияти натижалари ва уларнинг боғлиқлигини қуйидаги расмда акс эттиришимиз мумкин (1-расм)

1 Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.



1-расм. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг молиялаштириш манбалари¹

Ушбу расм маълумотларидан кўриниб турибдики, ННТларда нотижорат фаолияти асосий фаолият бўлиб ҳисобланади. Агарда ташкилотнинг уставида тижорат фаолияти ҳам кўзда тутилган бўлса, у ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.
2. Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни, 1999 йил 14-апрель, 763-I-сон, 4-модда.
3. Уразов К.Б., Неъматов О.И. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари. // Сервис. – Самарқанд, 2015, №2. – 143 б.
4. Уразов К.Б., Неъматов О.И. Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг хусусиятлари ҳамда улар ҳисоби ва аудитининг вазифалари. // Сервис. – Самарқанд, 2015, №3. – 126 б.
5. Неъматов О.И. Нодавлат нотижорат ташкилотларида грантлар ҳисобини такомиллаштириш. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. – Тошкент, 2016. - № 5. Б. 1-10

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.



НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ГРАНТЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Насимов Ойбек Исмаилов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг катта ўқитувчиси, PhD.

Аннотация: ушбу мақолада нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ)ларининг молиялаштириш манбаларидан бири бўлган грантлар ҳисобининг такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Моддий кўринишдаги грантлар, номоддий кўринишдаги грантлар, узоқ муддатли грантлар, қисқа муддатли грантлар, мамлакат ичидаги грантлар, хорижий грантлар, миллий валютада олинган грантлар ва хорижий валютада олинган грантлар.

Нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ)лар фаолиятининг юритиш ва ривожлантиришда грантларнинг ўрни беқиёсдир. Изланишлар ҳозирги пайтда фаолият юритаётган аксарият ННТлар активларининг шакллантиришда айнан грантларнинг ҳиссаси юқори эканлигини кўрсатмоқда. Грантлар ННТларни молиялаштиришнинг бошқа манбаларидан турли жиҳатлари, чунончи мақсади, шакли, муддати, ишлатилиш йўналишлари, ҳужжатлаштирилиши бўйича фарқланади. Грантларнинг муҳим аҳамиятга моликлиги, бошқа молиялаштириш манбаларидан фарқли жиҳатлари уларни ННТларда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос объектларидан бири сифатида тавсифлайди.

Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғатида грантга қуйидагича таъриф берилган: «Грант – маълум бир шартлар асосида ўқув ва илмий-тадқиқот ишлари учун фуқаролар ва юридик шахсларга бериладиган ўрин ёки пул маблағлари» [3].

Грант (ингл. grant – ҳадя, субсидия, стипендия) – мақсадли воситалар; корхоналар, ташкилотлар ва шахсларга пул ва натура кўринишида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ўқиш, даволаниш ва бошқалар учун берилади. Одатда, грант соҳиблари муайян соҳадаги иш учун танлов эълон қилиш йўли билан аниқланади [4].

Грант деганда, ижтимоий хусусиятга эга мақсадлар, иқтисодиётни ривожлантириш, илмий-техник ва инновацион дастурларни бажариш учун ҳукумат, нодавлат, хорижий ҳамда халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан кўрсатиладиган текин, гуманитар ёки моддий-техник маблағлар тушунилади. Грант маблағлари қатъий равишда белгиланган мақсадларга ишлатилади [5].

Грант – инновацион характердаги ишларни мақсадли-имтиёзли молиялаштириш. Солиққа тортиш мақсадлари учун «грант» атамаси ишлатилганда хорижий хайрия ташкилот (фонд)лари томонидан корхона ва ташкилотларга пул ёки натурал шаклда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларининг, ўқитиш, даволаш ва бошқа шунга ўхшаш мақсадларни амалга ошириш учун улардан фойдаланилганлиги тўғрисида ҳисобот бериш шартин билан бериладиган маблағлар тушунилади [6].

Грантлар - бу корхонага қайтариб олинмаслик шартин билан давлат, нодавлат, халқаро ташкилот ва фондлардан аниқ мақсадлар учун келиб тушган моддий ва номоддий маблағлар мажмуаси [7].

Грант (субсидия) деганда, хўжалик юритувчи субъектларга улар белгиланган шартларни бажарганларида иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида давлат ёки халқаро хорижий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган пул ёки натура кўринишидаги ёрдам тушунилади [8].

Грантлар атамасига берилган юқоридаги таърифлардан бир қатор хулосаларни қилиш мумкин.

Биринчидан, грантлар уларни оловчи ва берувчи шахслар ўртасидаги молиявий муносабатлар мажмуасидир. Ушбу молиявий муносабатларда грантларни оловчилар маблағлар истеъмолчилари ҳисобланса, грантларни берувчилар эса маблағ билан таъминловчилар ҳисобланади. Чунончи, ҳозирги пайтда ННТлар ўз фаолиятига грантларни энг кўп жалб этувчи субъектлар сирасига киради.

Иккинчидан, грантлар уларни оловчи шахсларда қатъий мақсадлар учун олинган активдан иборат бўлади. Айнан шу сифатда грантлар яхлит иқтисодиётнинг муҳим таркибий



бўлинмалари бўлган ННТлар фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим манбаларидан биридир. Грантлар уларни берувчи шахслар учун маълум мақсадларга эришиш учун қайтариб олинмайдиган инвестицияларнинг бир туридир. Ушбу сифатда грантлар давлат, нодавлат, халқаро ташкилот ва фондлар томонидан киритилаётган бегараз инвестицияларнинг у ёки бу мамлакат умумиктисодий ва умумижтимоий соҳаларини ривожлантиришга қўшаётган хиссасини ифодаловчи кўрсаткичлардан биридир.

Учинчидан, грантлар уларни олувчи шахсларда эгалик қилиш ҳукуқи берилган ва актив сифатида тан олиш талабларига жавоб бериши лозим бўлган маблағлардир. Бундай талаблар бўлиб, ушбу маблағларнинг моддий ва номоддий кўринишга ҳамда аниқ қийматга эга бўлиши, шунингдек маълум юз берган хўжалик жараёни ёки операциясининг натижасида вужудга келиши ҳисобланади. Грантларнинг моддий кўриниши деганда уларнинг жисмоний (натура) шаклга эга бўлиши тушунилади. Мисол учун, грант сифатида олинган ҳар қандай бино ёки иншоот, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, компьютерлар ва бошқа ташкилий техника воситалари тегишли ҳажм ва кўринишга эга бўлади. Грантларнинг қиймати деганда уларнинг пул бирлигидаги баҳоси тушунилади. Грантлар номоддий активлар билан ҳам олинishi мумкин. Бундай грантлар сирасига олинган амалий дастурлар, лойиҳалар, савдо ва товар белгилари ҳамда бошқалар киради.

Тўртинчидан, грантлар уларни олувчи шахслар томонидан ишлатилиши (сарфланиши) бўйича қатъий ҳисоботи бериладиган, шунингдек берувчи шахс томонидан қатъий назорат қилинадиган активлардир.

Юқорида келтирилган хулосаларга таянган ҳолда, фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларни, шу жумладан ННТларни молиялаштириш манбаларидан бири бўлган грантларга бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида қуйидагича умумий таърифни бериш мақсадга мувофиқдир: «грантлар – бу хўжалик юритувчи субъектларга қатъий мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини молиялаштириш учун турли давлат, нодавлат, халқаро ташкилот ва фондлар ҳамда бошқа манбалардан қайтариб бермаслик ва қатъий ҳисобот бериш шарти билан олинган моддий ва номоддий маблағлар мажмуасидир» [9].

Фикримизча, грантларга берилган юқоридаги таърифимиз бошқа таърифлардан фарқли ўлароқ, уларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги мазмун ва моҳиятини кенгрок ифода этади.

Грантларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилиши уларнинг илмий асосланган таснифий асосларини мавжудлигига бевосита боғлиқ. Грантларнинг илмий асосланган таснифи улар тўғрисидаги ахборотларни ҳисоб ва ҳисоботда фойдаланувчилар учун энг муҳим бўлган белгилари бўйича шакллантиришга имкон беради. Бироқ, юқорида эътироф этганимиздек, грантларни таснифлаш масалалари ҳам етарлича тадқиқ этилмаган, улар бухгалтерия ҳисобига оид адабиётларда ҳам етарлича ўз аксини топмаган.

Бизнингча, грантларни соний ва суммавий жиҳатдан ўлчаш ҳамда сифат жиҳатдан таснифлашни тўлиқ таъминлаш учун уларни бухгалтерия ҳисобида қуйидаги белгилари бўйича таснифлаш муҳим аҳамият касб этади:

- (1) кўринишига кўра;
- (2) муддатига кўра;
- (3) келиб тушиш манбаларига кўра;
- (4) валютасига кўра.

Фикримизча, грантларни бухгалтерия ҳисобида миқдорий ва суммавий жиҳатдан акс эттириш ҳамда сифат жиҳатдан таснифлашнинг яхлит методологик тартибини ўрнатиш учун уларни юқорида келтирилган белгилари бўйича қуйидаги гуруҳларга ва қуйи гуруҳларга ажратиш ўта муҳимдир (1-жадвал).

Грантларнинг 1-жадвалда келтирилган ҳар бир белгиси бўйича таснифий гуруҳларга ва қуйи гуруҳларга бўлиниши ўзига хос хусусиятларга эга. Чунончи, кўринишига кўра барча грантларни ҳисоб ва ҳисобот нуктаи назаридан моддий ва номоддий кўринишдаги грантларга ажратиш тўғрироқ бўлади. Чунки, олинаётган грантлар корхоналарнинг мулки сифатида уларнинг моддий ва номоддий бойликлари таркибига киритилади.



**Грантларнинг таснифий гуруҳлари ва уларнинг таркиби
(тавсия) [9]**

Таснифлаш белгиси	Таснифий гуруҳлар	Гуруҳларга кирувчи айрим ишларнинг турлари
Кўринишига кўра	Моддий кўринишдаги грантлар	- Асосий воситалар кўринишидаги грантлар; - ТМБлар кўринишидаги грантлар; - Пул маблағлари кўринишидаги грантлар.
	Номоддий кўринишдаги грантлар	- Дастурий таъминот ва лойиҳалар; - Савдо маркалари; - Товар белгилари.
Муддатига кўра	Узоқ муддатли грантлар	12 ойдан кўп муддатга олинган грантлар
	Қиска муддатли грантлар	12 ойгача бўлган муддатга олинган грантлар
Келиб тушиш манбасига кўра	Мамлакат ичидаги грантлар	- Давлат бюджетидан ажратилган грантлар - Нодавлат органларидан олинган грантлар.
	Хорижий грантлар	- Хорижий давлатлардан олинган грантлар; - халқаро ташкилотлар ва фондлардан олинган грантлар.
Валютасига кўра	Миллий валютада олинган грантлар	Миллий валюта – сўм ва тийинларда олинган грантлар
	Хорижий валютада олинган грантлар	- АҚШ долларида олинган грантлар; - Еврода олинган грантлар; - Бошқа хорижий валюталарда олинган грантлар.

Молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимида грантларнинг ҳолати (қолдиғи), кўпайиши ва сарфланиши тўғрисидаги маълумотлар Бош китобда, шунингдек 1-сонли шакл «Бухгалтерия баланси» ва 5-сонли шакл «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»да акс этирилиб келинмоқда. Ушбу ҳисоб ва ҳисобот шакллари айрим ахборот чекловларига эга. Чунончи, улар грантларнинг мақсади, манбалари, қайси валюта бирлигида келиб тушганлиги, сарфланиш йўналишлари, шу жумладан грантлар эвазига сотиб олинган асосий воситалар ва бошқа активлар тўғрисидаги маълумотларни атрофлича бермайди. Шу билан бирга, изланишлар ННТлар амалиётида ушбу мазмундаги ахборотларга талабларни борган сари ошиб бораётганлигини, шу сабабли бугунги кунда республикамызда ННТларда грантлар ҳисобини янада такомиллаштириш заруратлари борлиги кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.
2. Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни, 1999 йил 14-апрель, 763-І-сон, 4-модда.
3. Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати. – Т.: Шарқ нашриёти, 2001, 70-бет.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2002, 78-бет.
5. 21-сон БҲМС Молия вазирининг 09.09.2002 й 103-сон буйруғи билан тасдиқланган (АВ томонидан 23.10.2002 й. 1181-сон билан рўйхатга олинган).
6. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: Ношир, 2011, 655-656 бетлар.
7. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
8. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлокулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2004, 379-бет.
9. Неъматов О.И. Нодавлат нотижорат ташкилотларида грантлар ҳисобини такомиллаштириш. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. – Тошкент, 2016. - № 5. Б. 1-10



SINGAPUR IQTISODIY RIVOJLANISHIDA DAVLAT ISTITUTLARINING ROLI

Ilhomjonov Ibrohim Ilhomjon o'g'li

Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya
universiteti katta o'qituvchisi

ANNOTATSIYA: Mamlakatlarning iqtisodiy rivojlanishida davlat institutlari katta ahamiyatga ega. Ushbu maqolada davlat institutlarining mamlakat iqtisodiy rivojlanishidagi o'rnini va bu bo'rada Singapur tajribasi o'rganilgan.

KALIT SO'ZLAR: investitsion xatar, iqtisodiy erkinlik, biznes muhiti, korruptsiya, mulk huquqi, davlat institutlari, iqtisodiy o'sish.

So'nggi yigirma yil ichida dunyoning turli mamlakatlarida ularning rivojlanish darajasini o'rganish uchun institutlar faoliyati sifatini qiyosiy va miqdoriy baholash metodologiyasini takomillashtirish borasida sezilarli yutuqlarga erishildi. Bugungi kunga kelib, ayrim mamlakatlarga xos bo'lgan milliy institutlar jihatlarini, jumladan, investitsion va biznes xatarlari darajasini, iqtisodiy va siyosiy erkinlik darajasini, korruptsiya darajasini va shu kabi iqtisodiy rivojlanishga bevosita ta'sir etuvchi boshqa omillarni ozida aks ettiruvchi, muntazam yangilanib turuvchi bir qator xalqaro indekslar va reytinglar mavjud. Bunday reytinglar yirik xalqaro tashkilotlar (masalan, OECD, Jahon banki, UNCTAD), hamda mustaqil tadqiqot markazlari va jamoat tashkilotlari (masalan, Freyzer instituti, Transparency International, Heritage Foundation, Freedom House va boshqalar), shuningdek, xususiy konsalting kompaniyalari va reyting agentliklari (masalan, A. T. Kearney, Standard & Poors, Global Insight, Goldman Sachs) tomonidan chop etiladi.

Institutsional muhit, ya'ni asosiy iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy institutlarning yig'indisi qarorlar qabul qilish jarayoniga va iqtisodiy tizim doirasida sub'ektlarning o'zaro hamkorlik qilish usullariga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Bir tomondan, institutsional muhit mavjud tanlov imkonini cheklaydi, lekin ikkinchi tomondan, yaratilgan imkoniyatlar doirasida muayyan harakatlar erkinligi va xavfsizligini ta'minlaydi. Natijada iqtisodiy sub'ektlar o'z harakatlari oqibatlarini oldindan bilish va unga tayyor turish imkoniga ega bo'ladilar. Bundan tashqari, tashkil etilgan institutlar o'zaro hamkorlikka kirishayotgan iqtisodiy sub'ektlarga tranzaksiya xarajatlarini kamaytirish imkonini beradi. Shuningdek, iqtisodiyot subyektlari o'z majburiyatlarini to'liq his etadilar, hamda bajarishda manfaatdor bo'ladilar.

Mutaxassislar o'zaro hamkorlik paytida iqtisodiy agentlarning sa'y-harakatlarini tejaydigan, tranzaksiya xarajatlari darajasini pasaytirishga va jamiyatga ishonchni oshirishga yordam beradigan, shuningdek milliy iqtisodiyot tarmoqlariga uzoq muddatli investitsiyalarni qo'llab-quvvatlaydigan institutlarni "yaxshi" institutlar deb atashadi. Biznes yuritish xarajatlarini oshiradigan, adolatli xulq-atvor uchun rag'batlarni kamaytiradigan, raqobat va investitsiyalarni to'xtatadigan barcha institutlar "yomon" institutlar deb nomlanadi. Shu bilan birga, mamlakatning iqtisodiy o'sishi va milliy daromadiga erishishga yordam beradigan "yaxshi" institutlarni rivojlantirish qo'llab-quvvatlanadi.

Mamlakatda davlat tomonidan yaratilgan milliy institutlar sifatini aniqlash uchun Amerika tadqiqot markazi The Heritage Foundation tomonidan The Wall Street Journal bilan birgalikda chop etilgan Iqtisodiy erkinlik indeksidan foydalanish mumkin. Bu indeks 10 ta ko'rsatkichlar asosida hisoblanadi: mulk huquqi, korruptsiyadan xolilik, soliq erkinligi, tadbirkorlik erkinligi va boshqalardir. Har bir ko'rsatkich bo'yicha mamlakatlarga 0 dan 100 gacha ball beriladi. Qanchalik ko'p ball to'plansa, davlat institutlarining samarali faoliyati natijasida erishilgan mamlakatdagi iqtisodiy erkinlik darajasi shunchalik yuqori bo'lganligi baholanadi.

1-jadval. 2021-yilda iqtisodiy erkinlik bo'yicha mamlakatlar reytingi

№	Mamlakat	Indeks
1.	Singapur	89.7
2.	Yangi Zelandiya	83.9
3.	Avstraliya	82.4
4.	Shveytsariya	81.9
5.	Irlandiya	81.4

Manba: Index of Economic Freedom 2021 – The Heritage Foundation. URL: <https://www.heritage.org/economic/free>



[heritage.org/index/pdf/2021/book/index_2021.pdf](https://www.heritage.org/index/pdf/2021/book/index_2021.pdf)

Jadvaldan ko'rinib turibdiki, Singapur, Yangi Zelandiya, Avstriya, Shveytsariya va Irlandiya erkin iqtisodiyot reytingi 80 balldan yuqori bo'lgan davlatlardir.

Singapurning iqtisodiy erkinlik indeksi 89,7 ni tashkil etib, uni 2021-yilda iqtisodiyoti erkin bolgan mamlakatlar ro'yxatida birinchi ekanini tasdiqlaydi. Singapur yuqori darajada rivojlangan erkin bozor iqtisodiyoti sifatidagi muvaffaqiyatiga asosan uning ochiq va korruptsiyadan xoli biznes muhiti, oqilona pul-kredit va soliq-byudjet siyosati hamda shaffof qonunchilik bazasi tufayli erishgan. Qonun ustuvorligi jamiyatda korruptsiyaga nisbatan murosasizlik bilan qo'llab-quvvatlanadi.

Singapur mulk huquqlarini himoya qiladi va shartnomalarning samarali bajarilishini ta'minlaydi. Mulk huquqi bo'yicha xalqaro indeks buning isboti bo'lib xizmat qilishi mumkin. Unga ko'ra Singapur 2021-yilda o'z hududida mulk huquqini himoya qilish bo'yicha reyting ko'rsatkichida dunyo mamlakatlari orasida 2-o'rinni, Osiyo-Tinch okeani mintaqasida 1-o'rinni egallagan¹.

Bundan tashqari, xo'jalik sudlari yaxshi ishlaydi va Singapur dunyodagi eng kam korruptsiyalashgan mamlakatlardan biri bo'lib, ko'plab kafolatlar va audit nazoratiga ega. Korruptsiya aniqlanganda, unga tez, qat'iy va ommaviy tarzda qarshi kurash olib boriladi.

Umumiy biznes muhiti dunyodagi eng shaffof va samarali muhitdan biri bo'lib qolmoqda. Biznesni boshlash jarayoni oddiy va minimal kapitalni talab qilmaydi. Moslashuvchan mehnat qonunlari bilan qo'llab-quvvatlanadigan mehnat bozori faol va yaxshi ishlaydi. Hukumat uy-joy, transport va sog'liqni saqlash uchun subsidiya dasturlarini moliyalashtiradi va tartibga soladi. Hukumat o'ziga tegishli korxonalar orqali narxlarga ta'sir qiladi.

Umuman olganda, Singapurda mulk huquqlarini himoya qilish, shartnomalarning samarali bajarilishi, korruptsiya darajasining pastligi, savdo, biznes, sarmoya va ishchilar erkinligini ta'minlaydigan iqtisodiy sohada barqaror va samarali qonunchilik mavjud degan xulosaga kelish mumkin. Bularning barchasi Singapurda iqtisodiy erkinlik siyosatini olib borishiga, savdo va tadbirkorlik uchun qulay shart-sharoitlar yaratishiga xizmat qilmoqda, bu esa uning iqtisodiy o'sishini ta'minlamoqda.

Milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini ta'minlashda davlat institutlarining ro'li muhimdir. Singapurda iqtisodiy rivojlanish uchun zarur bo'lgan sifatli davlat institutlarining o'z vaqtida tashkil etish tajribasi buni yaqqol tasdiqlaydi.

Mamlakatimizda iqtisodiy islohotlarni shakllantirish va amalga oshirish keng yo'lga qo'yilgan. O'zbekiston uchun Singapur modelidan tadbiiq qilinadigan jihatlar bir nechta va ularning ba'zilari 2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasida o'z aksini topgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi 28.01.2022 yildagi PF-60-sonli O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni.

2. Дарон Аджемоглу, Джеймс А. Робинсон. Почему одни страны богатые, а другие бедные. Происхождение власти, процветания и нищеты. – М.: АСТ, 2015. – 720 с.

Index of Economic Freedom 2021 – The Heritage Foundation. URL: https://www.heritage.org/index/pdf/2021/book/index_2021.pdf

International property rights index 2021. URL: <https://www.internationalpropertyrightsindex.org/>

3. Сиражиддинов Н., Закирова С.А., Султанова Г.К., Илхомжонов И., Мингишев Л.У. Повышение конкурентоспособности экономики Узбекистана в условиях либерализации и углубления экономических реформ: Монография. – Ташкент: Издательство “IQTISODIY-OT”, 2021.

1 International property rights index 2021. URL: <https://www.internationalpropertyrightsindex.org/>



АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ТЎЛОВЧИЛАР СОЛИҚҚА ТОРТИШ ОБЪЕКТИ, СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ВА ЯНГИ НАМУНАДАГИ АКЦИЗ МАРКАЛАРИ

Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна

ТДИУ таянч докторанти

Телефон: +998902467655

E-mail: shaxnozaabdulhaeva061@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Акциз солиғи Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди. Муаллифнинг ушбу илмий тадқиқотида акциз солиғини тўловчилар, акциз солиғи объекти, акциз солиғини ҳисоблаш тартиби ва янги намунадаги акциз маркалари моҳияти ва намуналари ёритилган бўлиб акциз солиғи ҳисоблашда фўйдаланиш мумкин.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Акциз, солиқ, солиқ тўловчилар, объект, акциз маркалари, солиқ стакаси, солиқ карзи, давлат бюджети, товар, маҳсулот, импорт, экспорт

Акциз – лотинча “accidere” сўздан олинган бўлиб кесиш деган маънони англатади. Адабиётларда ушбу солиқ тури асосан ҳашамат товарлари шунингдек инсон саломатлиги ҳамда атроф муҳит учун зарарли бўлган товарларга нисбатан қўлланилиши белгиланган.

Миллий қонунчилигимизга кўра (Солиқ кодексининг 11-боб, 40-моддаси), қуйидагилар акциз солиғи тўловчилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчилар;

- Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар;

- оддий ширкат акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарган тақдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериғи. Солиқ тўловчи акциз тўланадиган товарлар, айримлари бундан мустасно, билан амалга оширадиган операциялар солиқ солиш объекти юзага келишига олиб келади.

Қуйидагилар акциз солиғи солинадиган объект ҳисобланади:

Акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан айирбошлаш учун бериш:

- товарга бўлган мулк ҳуқуқини бериш;

- гаров билан таъминланган мажбурийат бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан бериш;

- акциз тўланадиган товарларни бепул бериш;

- акциз тўланадиган товарларни (хизматларни) меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобидан бериш;

- акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан қайта ишлаш учун топшириш, шунингдек қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган, шунингдек акциз тўланадиган шундай хом ашё ва материалларнинг маҳсули бўлган, акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига ишлаб чиқарувчи томонидан топшириш.

Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилган ва (ёки) импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларнинг бузилиши, йўқотилиши, бундан фавқулодда вазиятлар натижасида юзага келган ҳоллар мустасно. Айбдор томонидан товарнинг қиймати суғурта орқали тўланган ёки унинг ўрни қопланган тақдирда, акциз солиғи суғурта орқали тўлаш (ўрнини қоплаш) улушида тўланади.

Акциз тўланадиган хизматлар кўрсатиш ҳам акциз солиғи солинадиган объект ҳисобланади. Ушбу ҳолатларнинг аксариятида акциз тўланадиган товарларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтади, бироқ бу мажбурий шарт эмас. Масалан, товар тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан жўнатилаётганда айнан жўнатиш пайтида жўнатишган товарга бўлган мулк ҳуқуқи берилмаслиги мумкин. Шунга қарамай, бундай операция акциз солиғи солинадиган объект ҳисобланади.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди :

- 1) акциз тўланадиган товарларни экспортга реализация қилиш, уларнинг айрим турлари бундан мустасно;



Акциз тўланадиган товарлар экспорти куйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак :

экспорт қилинадиган товарларни етказиб беришга доир контракт;

божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларацияси;

божхона органининг товарлар тайинланган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган, товарга илова қилинадиган ҳужжатлар;

чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатида кўчирма.

Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топшириқ) шартномаси бўйича реализация қилинган тақдирда экспортни тасдиқлаш учун комитент (топшириқ берувчи) томонидан воситачилик шартномаси ёки топшириқ шартномаси қўшимча равишда тақдим этилади.

Товарларни чет эл валютасида экспорт қилиш юзасидан даромадлар товарлар экспорт режимида чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь куни ичида келиб тушмаган тақдирда, товарларни экспортга реализация қилиш солиқ солиш объекти деб эътироф этилади.

2) «Божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона тартиб-таъмилига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган, қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни кейинчалик Ўзбекистон божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиш шarti билан бериш;

Мисол. Товарлар Ўзбекистон божхона ҳудудида қайта ишланганда тўланадиган акциз солиғи. Резидент корхона 1 000 дал вино материали олиб кириб, «Божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимида жойлаштирган. Вино материалидан 900 дал спирт қўшилмаган шиша идишдаги табиий вино ишлаб чиқарилган, шундан 700 дал экспорт режимида олиб чиқилган, 200 дал қайта ишлаш учун тўлов сифатида бошқа компанияга берилган. Ўзбекистон божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган вино солиқ солиш объекти ҳисобланмайди. Қайта ишлаш учун тўлов сифатида берилган 200 дал винони реализация қилиш чоғида корхонада акциз солиғини тўлаш мажбурияти юзага келади.

Акциз солиғи ставкалари 2022 йил 1 июндан ўртача 10 фоизга индексация қилинмоқда. Тамаки маҳсулотлари импортига акциз солиғи ставкаси 2022 йил 1 январдан 10 фоизга, алкоголь маҳсулотлари импортига 2022 йил 1 июндан 10 фоизга пасайтирилмоқда. 2022 йил 1 январдан алоҳида турдаги тамаки маҳсулотларига (чилиш учун тамаки, чекиладиган, ўрама тамаки, қиздириладиган тамаки, никотинли тамакисиз снюс, таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик) импортига акциз солиғи ставкаси 10 фоизга индексация қилинмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 майдан бошлаб алкоголь ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши белгиланди



Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон Қарори билан тасдиқланган низомга асосан амалга оширилади. Низомга кўра, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини уларда акциз маркалари бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш тақиқланади. Бироқ,



- Республика ташқарисига экспорт қилинадиган;
- халқаро транзит мақсадлари учун мўлжалланган;
- божсиз савдо дўконлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтириладиган;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатномаси бўлган тақдирда кўргазмалар ўтказиш учун келтириладиган;
- жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган акцизсиз келтириш нормалари доирасида четдан келтириладиган (юбориладиган) спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари акциз маркалари билан маркаланмайди.

Юқорида келтириб ўтилган мисол ва манбалар натижасида шундай хулоса қилиш мумкин. Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ва нархда ҳисобга олинадиган юклаб жўнатилган товарлар қийматининг бир қисмини эгри солиқ сифатида бюджетга ундириш шакли ҳисобланади. Акциз солиғи Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди.

Акциз солиғини қўллаш методологиясини такомиллаштиришда қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- ривожланган мамлакатларнинг акциз солиғини қўллаш тажрибасини ҳисобга олиш;
- актсиз тўланадиган товарларни аниклаш мезонларини белгилаш;
- айрим акциз тўланадиган товарлар учун фоиз ставкаларини қайта кўриб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 апрелдаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тўғрисида” 227-сон Қарориг
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири) 11-боб 40-модда
3. Иловайский С. И. Косвенное налогообложение в теории и практике. – Пенза: РИО ПГСХА, 2010. – с 115.
4. <https://buxgalter.uz/publish/doc/text167245>
5. <http://www.agriculture.uz/filesarchive/aksiz>



СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ДАВРИДА БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

М.Ш.Сулаймонова

Давлат солиқ қўмитаси қўшилган қимат
солиғи маъмуриятчилиги бошқармаси
давлат солиқ катта инспектори

Мақолада солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ маъмурчилигини яратиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ назарий ва услубий таклиф ҳамда тавсиялар кўрсатилган. Солиқ тўловчилар ўртасида ўзаро шаффофликни таъминлаш тадбиркорлик субъектларининг фаоллашуви ва замонавий солиқ маъмурчилигининг янги инструментларини жорий этиш даражасини аниқлаш мезонларини янада такомиллашувига асосланган.

Калит сўзлари: солиқ юки, солиқ маъмуриятчилиги, имтиёз ва преференциялар, молиявий жарималар, қурилиш объектлари, ҳисобварақ-фактуралар, тугалланмаган қурилиш объектлар, гувоҳномалар, бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, солиқ хавфи, таъсирчан солиқ механизми.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ маъмурчилигини яратиш бугунги куннинг муҳим, долзарб масалаларидан биридир.

Жорий йилнинг 28-июнь куни Президентимизнинг солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва тадбиркорларимизга қулай шарт-шароитлар яратилишида “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони¹ билан янги имкониятлар яратилмоқда.

Ушбу фармон доирасида қуйидагича имтиёз ва преференциялар жорий этилиб, солиқ тўловчилар учун молиявий жарималар бекор қилинмоқда.

Жумладан, 2021 йил 1 июлдан бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, тугалланмаган қурилиш объектларига (фойдаланилмаётган объектлар) ҳамда ушбу объектлар билан банд бўлган ер участкаларига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилиши ставкалари қўллаш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг амал қилишини тўхтатиш тартиби (таъсирчан солиқ механизми) бекор қилинмоқда.

Шунингдек, Фармонда ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат касса техникаси чекларида олинган товарлар(хизматлар) номенклатурасига ёхуд фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига амалга ошириладиган турларига мувофиқ бўлмаган идентификация кодлари акс эттирганлик учун молиявий жарималар 2023 йил 1 мартга қадар молиявий жарималар қўлланилмаслиги белгиланди.

2022 йил 1 июлдан Фармон билан, мажбурий тартибда Қўшилган қиймат солиғи (кейинги ўринларда ҚҚС) тўловчиси сифатида эътироф этиладиган тадбиркорлик субъектларига ҚҚС бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома солиқ хавфи даражасига аниқлик киритилмасдан туриб автоматик равишда берилиши қайд этилди.

Фармонда Давлат солиқ хизмати органларига қўшимча равишда, Солиқ хавфининг юқори даражасига эга солиқ тўловчиларнинг ҚҚС бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномаларнинг амал қилиши бу ҳақида солиқ органлари томонидан беш иш куни олдин хабарнома юборилиши билан бекор қилиниши мажбурияти юклатилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларида иктисодий ва ижтимоий муаммоларни бартарф этиш ва уларни келиб чиқиш механизмларини қисқартиришга оид қабул қилинган ушбу Фармон доирасида, солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини жорий этишга қаратилган.

Давлат солиқ хизмати органларида имкон қадар инсон омилини қисқартириш ва солиқ солиш масалалари билан боғлиқ жараёнларда, жумладан, ҚҚС тўловчиларини рўйхатга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.06.2022 йилдаги ПФ-162-сон.



олиш ва уларни хавф меъзонларини аниқлашда автоматлаштирилган тизим орқали иш ташкил қилишни белгилашда ушбу фармон муҳим меърий ҳужжатлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.06.2022 йилдаги ПФ-162-сон
2. А.В. Ваҳобов, А.С. Джўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. Т.: «Sharq», 2009 й. - 448 б.
3. Гадоев Э.Ф., Кузиева Н.Р., Ашурова Н.Б. Солиқ сиёсати стратегияси. Ўқув қўлланма. - Т.: “El-press”, 2013. - 272 б.
4. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Тошкент, Fan va texnologiya.– 2008.– 204 б.
5. Тошматов Ш.А. Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг назарий асослари. “Молия” нашриёти, 2012. - 205 б.
6. Гадоев Э.Ф., Голишева И.Х., Ҳайдаров Ш.У. Фойда солиғи. Тошкент: “Norma” иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт, 2011 й. – 408 б.



ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭНЕРГЕТИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хамраев Сухроб Ахмеджанович
“Ўзбекгидроэнерго” АЖ аппарат раҳбари

Аннотация: Гидроэнергетика салоҳиятидан тўлақонли фойдаланган ҳолда, арзон ва экологик тоза электр энергиясини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича, ушбу соҳада янги лойиҳаларни тизимли тайёрлашни йўлга қўйиш ва уларни амалга ошириш талаб қилинади ва лойиҳаларни амалга оширилишини етарли маблағларсиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Шу мақсадда ташкилот ўз маблағлари ва инестицияларни жалб қилиш йўли билан амалга оширилади.

Калит сузлар: инвестиция, акционерлик жамияти, лойиҳа, маблағлар, кредитлар, гидроэнергетика.

Мазкур соҳада ягона техник сиёсатини ва гидроэнергетика иншоотларини марказлашган технологик бошқарувини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги 5044-сон Фармонида мувофиқ, “Ўзбекгидроэнерго” акционерлик жамияти ташкил этилди. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тасарруфида ишлаб чиқариш ва лойиҳалаштириш ташкилотлари, ҳамда қурилиш ишлари устидан назоратни амалга оширувчи қурилиш Дирекциялари фаолият юритмоқда. Юқорида кўрсатилган таркибий тузилмалар ГЭСларни тухтовсиз эксплуатация қилиниши ҳамда инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминловчи ягона тизимга бирлаштирилган. 2017 йилнинг 2 майида Ўзбекистан Республикаси Президентининг алоҳида қарори билан мамлакатимизда гидроэнергетикани ривожлантиришга қаратилган Дастур тасдиқланди. Мазкур дастурда, амалга оширилиши лозим бўулган 74 та лойиҳанинг руйхати, амалга ошириш муддатлари, механизмлари ва бунда қўлланиладиган имтиёзлар ва бошқалар тасдиқланган.

Кўрсатилган тадбирларни амалга оширилишини етарли маблағларсиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Шуларни эътиборга олган ҳолда, ҳурматли Президентимиз томонидан юқоридаги қарор билан “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ГЭСларида ишлаб чиқариладиган электр энергияси сотилишидан олинладиган маблағлар, ГЭСлар эҳтиёжлари учун сарф-харажатларни чегириб ташлаган ҳолда, амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига йуналтириш тасдиқланган.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ ташкил этилган вақтдан бошлаб, 2019 йил якунигача бўлган 3 йиллик даврда инвестиция лойиҳаларига Жамиятнинг ўз маблағларидан 1 трлн.сўм йуналтирилган бўлса, келгусидаги 6 йил ичида ушбу маблағлар қарийб 10 трлн.сўмга етиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини замонавий технологиялар ва ускуналар билан таъминлаш мақсадида хорижий молия ташкилотларининг сармоялари жалб қилинмоқда. 2017-2019 йиллар давомида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ инвестиция лойиҳалари доирасида 108,1 млн. АҚШ долларга тенг хорижий инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, 2020 йилнинг ўзида 97,9 млн. АҚШ доллар ўзлаштирилди, шундан 3,7 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри инвестицияларни ташкил қилади.

Мавжуд гидроэнергетика салоҳиятидан тўлақонли фойдаланган ҳолда, арзон ва экологик тоза электр энергиясини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича давлат раҳбарияти томонидан белгиланган вазифани уддалаш учун, ушбу соҳада янги лойиҳаларни тизимли тайёрлашни йўлга қўйиш ва уларни амалга ошириш талаб қилинади. Ушбу чора-тадбирларни амалга оширилиши натижасида, жорий йилда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг сони Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон қарори билан тасдиқланган инвестиция дастурининг 3-иловасига мувофиқ, 2020-2030 йиллар давомида 62 та лойиҳа доирасида амалий фаолият кўзда тутилган инвестициялар умумий қиймати 1 млрд. 556 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Мазкур лойиҳаларни молиялаштириш учун қарийб 1,7 трлн.сўмлик “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг ўз маблағлари йўналтирилиши режа қилинган.

Янги лойиҳаларни молиялаштиришни ташкиллаштириш, уларнинг манбаларини



диверсификация килиш буйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмокда. Шу ўринда, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ жаҳонда етакчи “учлик” рейтинг агентликларидан бири ҳисобланган “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлигининг “ББ-” барқарор халқаро кредит рейтингини қўлга киритди. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ республикада ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида биринчилардан бўлиб “Fitch Ratings” халқаро кредит рейтингининг “ББ-” даражасини қўлга киритди. Жамият томонидан халқаро кредит рейтингининг бир поғона ўсиши, халқаро кредит рейтинги, я’ни “ББ-” барқарор даражасининг “Б+” барқарор даражасидан фарқи жамият томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг арзонлашишига, шу билан бирга, молиявий институтлардан жалб этилаётган кредит фойзаларининг камайишига сабаб бўлади. Мазкур рейтинг даражаси, “Ўзбекгидроэнерго” АЖни жаҳоннинг машҳур инвесторлар бозорларига аниқ ва равшан бизнес стратегиясига, шаффоф молиявий ҳисоботларига ва кучли корпоратив бошқарув тизимига эга биринчи ўзбек ишлаб чиқарувчи корхонаси сифатида танитади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-44-сонли қарори. <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 2017 йил 18 майдаги ПФ-5044-сонли фармони.
4. “Ўзбекгидроэнерго” техник - илмий журнали №1 (5)
5. <https://uzgidro.uz>



ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКАЯ АКТИВНОСТЬ И ФАКТОРЫ ЕЕ РАЗВИТИЯ

Фарходжонова Ёззода Нодир кизи

Жиззах политехника институтути 2 - босқич талабаси

Ортиқов Ният Неъматилла ўғли

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон

Миллий университети 2 - босқич талабаси

По признанию мирового сообщества, роль и престиж субъектов предпринимательства с каждым днем возрастает даже в экономически развитых странах. Одним из основных факторов устойчивого развития экономики страны в условиях рыночных отношений является стремительное развитие деловой активности.

В настоящее время мы часто можем встретить термины «предприниматель » и «предпринимательство » в нашей жизни.

Создание каждой экономической науки и связанных с ней понятий имеет свое историческое значение, и эти экономические понятия в их нынешнем понимании впервые были использованы английским экономистом Ричардом Кантильоном в конце 17 — начале 18 вв . По мнению английского экономиста , предпринимателем признается лицо, занимающееся деятельностью в любой сфере, основанной на риске. Предприниматель подчеркнул, что фактор земли и труда является источником богатства, обеспечивающим и формирующим экономическое благополучие.

Если рассматривать вышеперечисленные моменты с аналитической точки зрения, то фактически любой предприниматель начинает свою деятельность, исходя из риска, и работает, преодолевая встречающиеся на пути препятствия и хорошо осваивая факторы земли и капитала.

Следующим этапом развития предпринимательской деятельности является известный французский экономист Ж. Б. Сей (1767-1832) в трактате « Сие сий иктосод » прямо определил предпринимательскую деятельность как совокупность ¹трех основных факторов производства — земли, капитала и факторов труда .

Дж. Б. Если проанализировать мнение Сея , то доход, полученный предпринимателем в результате его деятельности и прибыли, является вознаграждением, данным ему за его работу и исследования, а также за правильную и разумную организацию бизнеса, правильное управление им и способность доставлять необходимые товары потребителю . Для этого предприниматель берется за производство продукта, рискуя своей деятельностью.

В то же время следует отметить, что основоположники экономической науки мало внимания уделяли форме сотрудничества. английский экономист А. Особое внимание Смит уделил определению предпринимателя в книге « Исследование о природе и причинах богатства народов» . А. По Смиту , предприниматель является собственником капитала. Предприниматель реализует определенную бизнес-идею и начинает дело с риском для получения дохода, вложение капитала в бизнес всегда связано с риском. Предпринимательский доход определяется как вознаграждение за личный риск.

Предприниматель сам планирует, организует и владеет результатами производственной деятельности. Эти работы, в свою очередь, связаны с рыночной системой и центральным механизмом рыночной системы - механизмом конкуренции. Поэтому предприниматель воплощается как человек, готовый действовать в сфере конкуренции на основе риска.

Мы рассмотрели историю создания предпринимательской деятельности и сущность этого понятия, проанализировав мнения, представленные учеными в данной области. Термин « Предпринимательство» определяется в энциклопедическом словаре следующим образом:

Предпринимательство - это экономическая деятельность, направленная на получение прибыли путем создания товаров и услуг путем расходования капитала, а основным видом предпринимательства является экономическая деятельность

¹ М.С.Касимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, А.Н. Самадов, И.Б.Шарипов. Малый бизнес и предпринимательство. Методическое пособие. - Т.: 2019, - 274 страницы.



субъектов предпринимательства, принимающих на себя риски и принимающих на себя имущественную ответственность в рамках действующего законодательства.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Туризм экономика : - М.: Финансы а также Статистика , 2007.
2. Бланк И.А. Инвестиции управлять основы . Рисунок 1А . Киев: Ника-Центр : Эльга - Н, 2004. 536 с .
3. www.stat.uz. _ _
4. ziyonet.uz



ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОТИВАЦИЯ ОМИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Фарходжонова Ёззода Нодир қизи

Жиззах политехника институту 2 - босқич талабаси

Ортиқов Ният Неъматилла ўғли

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон

Миллий университети 2 - босқич талабаси


Бозор иқтисодиёти мураккаб ва ўзига хос таркибий тузилишга эга бўлган хўжалик юртиш механизми ҳисобланади. Бу жараёнда рўй берадиган ҳар қандай воқеа ва ҳодисалар, иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий мавқеини ўзида бирлаштирганлиги оқибатида, бундай турли томонламалик ёндошув иқтисодиётни бошқариш механизмини янада мураккаблаштиради. Шу сабабли, иқтисодиётнинг қутилмаган муаммолари оммавий характерга эга бўлиб, уларни ҳал этишнинг ташкилий, сиёсий ва ижтимоий жараёнларини ўзгартиришга мажбур бўлинади.

Жамиятда рўй берадиган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муаммолар асосан аҳоли ўртасида пайдо бўлиши, яъни, бунинг туб сабабларидан бири аҳоли реал даромадларининг пасайиши ва ишсизликнинг кўпайиши оқибатида юзага келади. Бу жараёнда муаммоларнинг ечимини топишда тадбиркорлик фаолиятини тўғри ташкил қилиниши ва ривожлантириш орқали муаммоларни юмшатиш ёки бартараф қилишга имкон туғилади.

Ҳар бир мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш борасида ўзига хос тўпланган узоқ йиллик тажрибаларга таянган ҳолда амалга оширилади. Аммо, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ҳам бошқариш ҳам мураккаб кечади ва буни тартибга солиш ҳамда ривожлантириш тадбиркорнинг фақат ўзига боғлиқ бўлмайди. Бунда турли таъсир этувчи омиллар ва ривожлантиришга кўмаклашувчи омиллар ҳам иштирок этади.

Тадбиркорлик фаолиятини тўғри ташкил қилиш уни бошқариш жараёнида қутилмаган ҳамда тадбиркорлик йўлида учрайдиган ҳар қандай тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилишга шунингдек, фойда олиш мақсадида тадбиркор барча имкониятларни ишга солган ҳолда ўз маблағини ишга тиккан ҳолда самарали фаолият юритишини талаб этади. Шуларни ҳисобга олиб, тадбиркорлик фаолияти бу жамиятда иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос бир тури бўлиб, унинг негизида тадбиркорнинг мустақил ташаббуси, маъсулияти юзасидан жавобгарлиги, ижодкорлиги, ўз ғоясига асосланган ҳамда фойда олишга қаратилган мақсад сари ундовчи омиллар сифатида шаклланади.

Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти ўзига хос иқтисодий фаолликнинг алоҳида унсури ҳисобланиб, унинг бошланғич бўғини маълум бир ғоя ва фикрлаш фаолияти ёки унинг натижаси билан узвий боғланган бўлади, фақат у кейин моддий шакл сифатида юзага келади.



1- расм. Тадбиркорлик фаолияти фаоллигини таъминловчи кўрсаткичларнинг гуруҳланиши

Тадбиркорнинг фикрлаш натижаларини моддий шаклга ўтиши бу тадбиркор ўз фаолиятида янгиликларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш орқали, маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини ўзгартирган ҳолда корхонани ишлаб чиқариш таркибида туб ўзгаришлар содир бўлиши тадбиркордан ижодкорликни талаб этади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ижодкорлик жиҳатлари бошқарувнинг янги тизимида ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилишнинг янги усуллари ёки янги замонавий ҳамда ихчам технологияларни тадбиқ этишда ўз самарасини беради.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш фақат иш жараёни ёки ишчи ходимларни бошқариш билан якун топмайди, балки янги туғилган фикрлар ва ижодкорликни тўғри қўллаш олиш ҳам бошқарувда қийин кечади. Шу боис, ҳар қандай жараёнда тадбиркор ўз фаолиятининг асосий субъекти бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. –Т.: Академия, 2006 –С.267.
2. Кларк Ж.Б. Распределение богатства. М., 1994. 40 стр.
Коваль А.Г., Балашов Ю.К. Кадры предприятия// Журнал №7 / 2002. –12 с.
3. Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Самадов А.Н., Шарипов И.Б. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010, – 274 бет.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Валиев Шамсиддин Эшпулатович,

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни
ривожлантириш институти молия ва маъмурият

ишлари бўйича катта менежери

телефон: + 998 91 135 21 88,

e-mail: shvaliev@mdis.uz

Аннотация. Ушбу тадқиқотда харажатларга умумиктисодий ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларида харажатларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Айнан олий таълимни молиялаштиришда харажатларни чуқур таҳлил қилиш ва уларга тегишли ёндашув ва қарашларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу таҳлилларнинг хулосаларига асосланган ҳолда олий таълимни тўғри ва самарали молиялаштириш, талабалар ўқиши учун шартнома қийматларини белгилаш, талабаларга ва олий таълим муассасаларига кўмак дастурларини ишлаб чиқиш кўзланган натижани бериши мумкин.

Асосий таянч тушунчалар: олий таълим муассасалари харажатлари, олий таълимда иқтисодий самарадорлик, олий таълимда иқтисодий самарадорлик турғунлиги, олий таълимда “харажатлар хасталиги” муаммоси, олий таълимни молиялаштириш хусусиятлари.

Сўнгги йилларда олий таълим муассасаларини молиялаштиришда бутун дунё мамлакатларида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Олий таълим қамровининг кескин ошиши ва глобаллашув шароитида олий таълим муассасаларининг ушбу муҳитга мослашиши талаб этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам ушбу жараёнлар юз бермоқда ва олий таълим соҳасидаги ислохотларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш, нодавлат олий таълим муассасаларининг ўрнини ошириш орқали мамлакатда мутахассислар тайёрлаш молиявий юқини қайта тақсимлаш сиёсати ва олий таълим муассасалари ҳамда талабаларга нисбатан солиқ ва молиявий кўмак дастурларининг изчил ислох қилиниши каби ҳолатлар фикримизни тасдиқлайди. Мамлакатимизда олий таълим соҳасини ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва олий таълимга бўлган талабни самарали қондириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда олий таълимни тўғри ва самарали молиялаштириш, жараён иштирокчиларининг манфаатларини тўлиқ ифодаладиган тизимни шакллантириш ҳамда олий таълим муассасаларининг барқарор молиявий ва иқтисодий фаолиятини таъминловчи механизмларни жорий этиш долзарб масала ҳисобланади.

Иқтисодиётдаги харажатлар тушунчаси борасида шаклланган қарашлар замирида олий таълим харажатларини ўрганиш XX асрнинг иккинчи ярмидан кенг ривожланиб борди.

1966 йилда У.Баумол ва У.Боуэнлар [1] томонидан санъат ва маданият ташкилотлари иқтисодий хусусиятлари борасида тадқиқот натижалари эълон қилинди. Улар яқка хизмат кўрсатишга асосланган тармоқлар иқтисодий самарадорлиги борасида юз бериши мумкин бўлган ўзгармас хусусият, турғунликка эътибор қаратишди. Тадқиқотга кўра Бетховеннинг торли квартет ижроси учун XIX асрда тўрт киши талаб этилган бўлса, XX асрда ҳам худди шунча ижрочи талаб этилади. Ваҳоланки, ушбу даврда ушбу ижрочиларнинг иш ҳақлари бошқа иқтисодиёт тармоқларидаги ишчилар каби реал миқдорларда ошишда давом этган. Бошқача қилиб айтганда меҳнат унумдорлиги ўзгармаган ҳолда иш ҳақлари ошиши кузатилади ва ушбу ташкилотларда иқтисодий самарадорлик тушунчасини йўққа чиқаради. Масаланинг қизиқ жиҳати шундаки, ушбу санъат асарини ижро этиш учун ижрочилар сонини учта ёки иккита қилиш имконсиз. Бу ижронинг амалга ошишига имкон бермайди. Бу ушбу соҳанинг асосий технологик хусусияти. Ушбу хусусият меҳнат унумдорлиги ошмаган ҳолда реал иш ҳақлари ошадиган яқка хизматлар кўрсатиш технологиясига асосланган яна бир қанча тармоқлар учун ҳам ҳослиги илмий исботланди. Хусусан, таълим соҳаси, давлат хизматлари, юридик хизматлар ва тиббиёт хизматлари соҳаларида ҳам ушбу хусусият борлиги кузатилди. Ушбу соҳаларнинг харажатлари хусусиятларида янги “харажатлар хасталиги” муаммоси ибораси қўлланила бошланди. Ушбу хулосага кўра бошқа тармоқлардаги реал иш ҳақлари ошишига мутаносиб равишда меҳнат унумдорлиги



ошмаган ҳолда иш ҳақларининг ошиб бориш самараси мавжуд тармоқлар, соҳалар ва иқтисодий субъектлар “харажатлар хасталиги” ташхиси билан ўрганиладиган бўлди. Ушбу хусусиятлар олий таълим муассасалари учун ҳам ўринли эканлиги ХХ асрнинг иккинчи ярмида кўпгина тадқиқотлар билан исботланди. 1960 йилларда У.Боуэн АҚШнинг энг йирик учта хусусий университетлари кесимида сўнгги олти йил ичидаги харажатларни таҳлил қилган ҳолда уларда “харажатлар хасталиги” бўлганлигини илмий исботлади [5]. И.В. Абанкина, Т.В. Абанкина, П.В. Деркачевлар томонидан 2000-2012 йиллар учун Россия Федерацияси олий таълим муассасалари учун ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра ҳам ушбу даврда “харажатлар хасталиги” муаммоси бўлганлиги ўз тасдиғини топган [4].

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларини молиялаштириш ва уларда харажатларни ўрганиш борасида Д.Д.Рустамова [2], А.Б.Шеров [6] ва А.Маҳмудов [7] кабилар изланишлар олиб боришган. Ушбу тадқиқотларда АҚШ тажрибаси билан қиёсий таҳлил, харажатларни молиялаштиришда давлат молияси дастакларининг ишлаши ва олий таълим молияси борасида фикрлар билдирилган.

Таҳлиллар асосида ОТМларда меҳнат унумдорлиги турғунлиги, талаба сони ва ўқитувчи сонининг динамикаси ва иш ҳақлари динамикаси кўрсаткичларини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари учун ўрганишга ҳаракат қиламиз. 1-жадвалда Ўзбекистонда 2009/2010 ва 2020/2021 ўқув йиллари давомида жами ўқитувчилар сони, жами кундузги таълим шакли эквивалентидаги талабалар сони ҳамда ҳар битта ўқитувчига тўғри келувчи талаба сони ўзгариш динамикаси келтирилган. Жадвалга кўра жами талабалар сонининг ўсиши билан ўқитувчилар сони ҳам ошаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу ердаги динамикадан хулоса қилишимиз мумкинки, талабалар сони ошиши ва ўқитувчилар сони ошиши ўртасида кучли микдорий боғлиқлик мавжуд. Статистик таҳлил натижасида кўришимиз мумкинки, жами ўқитувчилар сони ҳамда жами кундузги таълим шакли эквивалентидаги талабалар сони ўртасидаги корреляция коэффициенти 0.96 га тенг. Ушбу статистик кўрсаткичнинг ўзи кучли корреляцион боғлиқ борлигини ва талабалар сонининг ошиши ўқитувчилар сонининг ошишига олиб келишини исботламоқда. Албатта бу ерда қонунчилик асосида ўрнатилган талаблар ва ОТМларнинг мажбуриятлари ҳам муҳим ўрин тутди. Яъни ўқитувчи/талаба кўрсаткичини ёмонлаштириш орқали сунъий унумдорликка эришиш ёки молиявий муаммоларни ҳал этишни ўйлаш ОТМлардаги сифат мутаносиблиги ва носоғлом муҳитнинг пайдо бўлиш рискинни юзага келтириши мумкин.

1-жавдал

Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида 2009/2010 ва 2020/2021 ўқув йиллари давомида жами ўқитувчилар сони, жами кундузги таълим шакли эквивалентидаги талабалар сони ҳамда ҳар битта ўқитувчига тўғри келувчи талаба сони ўзгариш динамикаси

Кўрсаткичлар	2009/ 2010	2010/ 2011	2011/ 2012	2012/ 2013	2013/ 2014	2014/ 2015	2015/ 2016	2016/ 2017	2017/ 2018	2018/ 2019	2019/ 2020	2020/ 2021
Жами ўқитувчилар сони	23081	23021	22394	22769	23148	23532	24909	23961	25107	26664	30559	32070
Жами КТШЭ даги талабалар сони*	273330	269280	252730	258030	258940	261030	263940	267940	288520	317900	369285	456585
Ҳар битта ўқитувчига тўғри келувчи талаба сони	12	12	11	11	11	11	11	11	11	12	12	14

Таҳлиллар натижасида олий таълим муассасалари харажатларига хос бўлган бир қанча хусусиятларни тушунтиришга ҳаракат қилдик. Олий таълим соҳаси ўзига хос хизмат кўрсатиш тармоғи бўлиб, технологик хусусиятига кўра яқка шахснинг бир вақтнинг ўзида таълим бериши ва юзма-юз ҳолатда жараёни ташкил этишни тақозо этадиган фаолият тури ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқариш ва истеъмол бир вақтнинг ўзида юз беради. Яъни таълим бериш жараёнининг технологик хусусияти буни талаб этади. Бу эса хизмат кўрсатувчи ва олувчи ўртасида микдорий чегара, норма ўрнатилиши (битта ўқитувчига маълум мидордаги талаба кўрсаткичи) билан тартибга солиниши зарур. Чунки шундай бўлмаса бу таълим бериш жараёнининг амалга ошмаслиги ёки етарли даражада амалга ошмаслигига олиб келиши мумкин. Айнан мана шу хусусиятлар соҳанинг ўзига хос хусусияти бўлиб, иқтисодий жиҳатдан меҳнат унумдорлиги тушунчасини сўроқ остида қолдиради. Ушбу турғунлик (стагнантлик) реал иш ҳақларини меҳнат унумдорлиги билан



уйғунлаштириш имкониятини йўққа чиқаради. Олий таълим харажатлари таркибида иш ҳақи харажатлари энг асосий компонент ҳисобланиши ва соҳага энг салоҳиятли, тажрибали малакага эга кадрлар талаб этилиши ҳисобга олинса олий таълим муассасаларининг ушбу харажатларини молиялаштиришни тўғри йўлга қўйиш энг муҳим масала сифатида намоён бўлади. Бу ерда соҳада фаолият юритаётган кадрларнинг иш ҳақларини бошқа тармоқлар иш ҳақларидан кам бўлмаган миқдорларда таъминлаш муаммоси пайдо бўлади.

Мамлакатимизда 2016-2017 йиллардан сўнг олий таълим муассасаларига давлат молияси ва табақалаштирилган шартномалардан тушумлар манбаларини фаол жалб этиш орқали ўқитувчи/талаба кўрсаткичларини 11-14 тага бўлгани ҳолда профессор-ўқитувчилар иш ҳақларини 3.1 дан 3.8 баробаргача оширишга эришилган.

Соҳада харажатларни тизимли ва барқарор таъминланиши йўлида қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар ва амалий чора-тадбирлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, олий таълим муассасаларининг автономлигини таъминлаш чоралари якунига етказилиши зарур. Бу орқали олий таълим муассасалари молиявий ресурсларини бошқариш, самарали ишлатиш ва маъсулият ошишига эришилади. Бу орқали уларнинг тўлақонли фаолияти таъминланишига эришилади.

Иккинчидан, олий таълимга эга мутахассисларнинг келажакда ишчи кучи бозорида даромадларини ошиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари ўртасида рақобат асосида мутаносиб ўқиш нархлари ўрнатиш амалиётига ўтиш зарур. Албатта ушбу йўналишда бир қанча илмий тадқиқотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, олий таълим муассасаларига ва талабаларга кўмак дастурларини самарали йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган ишларни тизимли равишда давом эттириш. Уларнинг самарадорлигини ошириш.

Тўртинчидан, бутун мамлакатда профессор-ўқитувчилар ва таълим соҳасида банд бўлган кадрларни қўллаб-қувватлаш чораларини янада кучайтириш. Бунинг учун қонуний ва ташкилий-иқтисодий асосларни янада мустаҳкамлаш зарурияти пайдо бўлади.

Бешинчидан, олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш мақсадида олий таълим муассасаларида корпоратив бошқарувнинг самарали элементларини жорий этиш.

Олтинчидан, олий таълим муассасаларида рақамлаштириш жараёнларини самарали ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. W.J. Baumol and W.G. Bowen Performing Arts. The Economic Dilemma. A study of Problems common to Theater, Opera, Music and Dance. New York, The Twentieth Century Fund, 1966, XVI p. 582 p.
2. Рустамова Д. Д. Ўзбекистонда олий таълим тизимини молиялаштириш масалалари //Современное образование (Узбекистан). 2014. №8.
3. Bowen W. G. The ‘cost disease’ in higher education: is technology the answer? //The Tanner Lectures Stanford University. – 2012.
4. Абанкина И. В., Абанкина Т. В., Деркачев П. В. Исследование "болезни издержек" в российском высшем образовании //Университетское управление: практика и анализ. – 2014. – №. 4-5 (92-93). – С. 52-65.
5. Bowen H. R. The Costs of Higher Education: How Much Do Colleges and Universities Spend per Student and How Much Should They Spend?. – 1980.
6. Алишер Б. Шеров Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг ақш тажрибаси // Scientific progress. 2021. №6.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.07.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000